
"Чиркай" маҳалласининг яна 3 та кўчаси асфальтлаштирилди

Хабарингиз бор, "Обод хонадон-обод кўча-обод маҳалла", мезонларини жорий қилиш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича тумандаги "Чиркай" маҳалласида кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Бугунгача маҳаллада ичимлик суви тармоғини яхшилаш, электр ҳамда газ таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини мукамал таъмирлаш, хонадонларни ободонлаштириш каби бир қатор ишлар бажарилди.

Шу билан бирга маҳаллада тармоқ корхоналари томонидан ва дастур доирасида салкам 6 километр ички йўллар асфальтланди. Бугун ушбу дастур доирасида Тонг гули, Намуна-1, Намуна-3 кўчаларининг 0,8 км қисми асфальтлаштирилиб, йўллар равон ҳолатга келтирилди.

2024-04-20 12:47:30